



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 17 июль, № 143 (8766)

Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев  
16 июль кuni худудларда  
туризм инфратузилмасини  
яхшилаш ва хорижий туристлар  
оқимини кўпайтириш  
чора-тадбирлари бўйича  
тақдимот билан танишди.**

Бу ҳақда шу йил 3 июнь кuni бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши ҳамда тадбиркорлар билан мулоқотда топшириқлар берилган эди. Ушбу топшириқлар ва билдирилган тақлифлар асосида соҳа ривожига қаратилган кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, хорижий туристларни юртимизга жалб қилиш учун туризм ташкилотларини айланма маблағ билан таъминлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 200 миллион доллар қийматда алоҳида кредит линияси очилмоқда. Бу кредитлар миллий валютада йиллик 17 фоиз ставкада, 2 йиллик имтиёзли давр билан 10 йилга ажратилади.

Салоҳияти юқори бўлган жойларда мастер-режалар асосида туризм масканлари барпо этилади. Бундай худудлар инфратузилмасини яхшилаш учун жорий йилда республика бюджетидан 100 миллиард сўм йўналтирилади. Шунингдек, уларнинг хар бирига 50 миллион доллар микдорда инвестиция жалб қилинади.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлар учун қатор енгилликлар ҳам назарда тутилмоқда. Улар орасида автобус ва микроавтобусларни боғжона божидан озод этиш, туроператор ва хўнарандорларнинг халқаро ярмаркалардаги харажати-нинг 50 фоизини қоплаб бериш, хорижий меҳмонлар шитирокида бизнес тадбирлар ташкил қилган тадбиркорларнинг фойда солиғини 50 фоизга камайтириш каби чоралар бор.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг миллий туризм брендини яратиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ мақсадли бозорлар талабларидан келиб чиқиб, юртимиздаги туризм турлари тўғрисида контентлар яратилади. Улар халқаро медиа ва иж-

тимоий платформалар, жаҳон спорт ва санъат тадбирларида тарғиб қилинади. Бунга аудиторияси катта бўлган хорижий журналист, блогер ва инфлюэнсерлар ҳам жалб қилинади.

Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида барча авиа, темир йўл ва автобус катновлари ҳақида маълумот ва чипта олиш имконини берадиган ягона онлайн платформа ишга туширилади. Авиа, темир йўл ва автобус чипталарини камида олти ой олдин савдога чиқариш тизими жорий қилинади. Умумхалқ байрамлари кунларида кўшимча авиақатновлар йўлга қўйилади. Булар ҳақда мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борилади.

Соҳа учун мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам муҳим. Келаётган ўқув йилидан бошлаб, бу борада ҳам қатор янгилликлар мўлжалланмоқда.

Жумладан, туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳасида ўқув дастурлари жаҳон рейтингда биринчи 100 таликка кирувчи таълим муассасаларининг таърибаси асосида тақомиллаштирилади. Бу соҳада олий таълим тўрт йилликдан уч йилликка ўтказилди. Талабаларга бир вақтнинг ўзида ихтисослиги бўйича ишлаб, касбий кўникмаларини бевоқиф иш жойларида ривожлантириш имконияти яратилади. Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Ўзганд давлат университетлари, Шарқшунослик, Жаҳон тиллари ва "Ипак йўли" олийгоҳларида гидларни тайёрлаш курслари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари бу чора-тадбирлар бўйича ҳужжат ишлаб чиқиб, ижросини самарали ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

# АТОҚЛИ ҚОРАҚАЛПОҚ ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ АЖИНИЁЗ ҚЎСИБОЙ ЎҒЛИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли ўзининг бетакор ва сермазмун ижоди билан халқимиз маданияти ва адабиётини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва оғизбирчиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган улкан ижодкордир. Ҳассос шоирнинг шеър ва достонларида акс этган гуманистик фалсафий қарашлар эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган.

Хивадаги машҳур Шерғоziхон ва Қутлимурод иноқ мадрасаларида тахсил олган бу улуг сиймо нафақат мамлакатимизда, балки бутун минтақамизда халқчил шоир, етук муаллим ва устоз, моҳир хаттот сифатида шўхрат қозонгани, айниқса, эътиборга моликдир. Унинг гўзал асарлари туркман, қозоқ, қирғиз ва бошқа қардош халқлар томонидан ҳам севиб ўқилмоқда.

Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКОнинг халқаро юбилейлар режасига киритилгани ҳам унинг ижодий мероси умумбашарий аҳамиятга эга эканлигидан далolat беради.

Ажиниёз Қўсибой ўғлининг бетакор адабий меросини янада кенг ўрганиш ва оммалаштириш ҳамда таваллудининг 200 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюмлари, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бадий академия ҳамда жамоатчилик вакилларининг **Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини мамлакатимизда кенг нишонлаш** тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш бўйича **ташқилий кўмига** (кейинги ўринларда —

Ташқилий кўмига) иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

3. Ташқилий кўмига (А.Арипов) **бир ҳафта мuddатда** Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш ҳамда унинг ижодий меросини кенг тарғиб қилиш бўйича қуйидаги вазифаларни назарда тутуви **чора-тадбирлар дастурини** тасдиқласин ҳамда унинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминласин:

1. "Танланган асарлар" тўпламини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр қилиш, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб яратилган бадий, илмий-оммабоп асарларни қайта чоп этиш ва тақдимотларини ўтказиш;

2. давлат буюртмасига биноан Ажиниёз Қўсибой ўғлининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган **сахна асарлари** ҳамда **"Ажиниёз" бадий-публицистик фильмини** яратиш ва уларнинг тақдимотларини уюштириш;

3. Нукус шаҳрида шоир ижодига бағишланган **"Айт, сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан"** мавзусида мамлакатимиз ёш ижодкорларининг танловини, ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида Ажиниёз Қўсибой ўғли ҳаёти ва ижодига бағишланган **иншолар танловини** ўтказиш;

4. 2024 йилнинг сентябрь ойида Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Ажиниёз Қўсибой ўғлининг ҳаёти ва ижодига бағишланган **киتابлар, тасвирий санъат асарлари ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмасини** ўтказиш;

5. 2024 йилнинг октябрь ойида Қорақалпоқ давлат университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Ажиниёз Қўсибой ўғлининг адабий меросини ўрганиш мавзусида **халқаро илмий-амалий конференциялар** уюштириш;

6. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида **шоир музейини** ташкил қилиш;

7. Ажиниёз Қўсибой ўғлининг Мўйноқ туманидаги қабрини ободонлаштириш ва унга **ёдгорлик ўрнатиш**, мазкур

туманда Ажиниёз Қўсибой ўғли номидаги **экопарк барпо этиш**;

мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, профессионал, умумий ўрта таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли ёзувчи ва шоирлар, олимлар иштирокида Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигига бағишланган **учрашув ва адабий кечалар** уюштириш;

2024 йилнинг ноябрь ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик театрида Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигига бағишланган **тантанали адабий-бадий хотира кечаларини** ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга ажратилган бюджет маблағлари, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 16 июль

## Мулоқот

### ПАРЛАМЕНТЛАРА ОЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА БЎЛДИ

Шу йилнинг 16 июль кuni Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоевнинг Германия Федератив Республикаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги парламент давлат котиби Анетте Крамме билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликка оид кенг қўламли масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама марказида бўлди.

Германия вакиллари Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида амалга оширилаётган иш-хотларни юқори баҳолади. Мулоқот давомида икки мамлакат ўртасида миграция ва мобиллик бўйича ҳукуматлараро битим-

нинг аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Товарларни барқарор етказиб бериш замири йўлга қўйиш масаласига эътибор қаратилиб, меҳнат ва бандлик соҳасида ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

### АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Мамлакатимизда бандлик соҳасидаги давлат хизматларидан фойдаланиш учун қўшимча қулайликлар яратиш, мазкур соҳани рақамлаштириш орқали очкичлик ва шаффоқликни таъминлаш, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни тақомиллаштириш, ишсизларни қўллаб-қувватлаш, касбга ўқитиш, аҳолини банд этиш ҳисобига камбағалликни қисқартиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

#### Фикр

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорларда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, да-

ромадларни ошириш ва камбағалликни қисқартиришга доир устувор вазифалар белгилаб берилган бўлиб, бу борада ҳам тизимли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётди.

Бу сингари ҳолатлар эса бандлик соҳасидаги иш-хотлар самардорлигини оширишга йўналтирилган қонунчиликни замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлган эллик тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ана шу мақсадга йўналтирилгани билан эътиборга молик.



## Дўстлик ришталари

### ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ — ТАРИХИ МУШТАРАК, ТИЛИ ВА ДИЛИ ЯҚИН ХАЛҚЛАР

Марказий Осиё халқларининг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлиги уларнинг том маънодаги сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашининг бош гаровидир. Бу борада Ўзбекистондаги кенг қамровли ўзгаришлар, Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақа давлатлари ўртасидаги дўстона мулоқотни жадаллаштириш, чегараларни очиб, виза тартибларини бекор қилиш, азалий қўшни халқларнинг ўзаро борди-келдиларини йўлга қўйиш борасидаги ташаббуслари кўл келмоқда. Бугун ўртадаги музолиқлар эриди, кўприклар тикланди, ишонч ришталари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон билан Қирғиз Республикаси ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Икки халқни кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, умумий тарих, маданият, анъаналар, дин бирлаштириб туради. Мамлакатларимиз ҳамкорлик жараёнида ўзаро манфаатларни ҳурмант қилиш, ҳисобга олиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, конструктив, прагматик алоқани ривожлантириш тамойилларидан келиб чиқади. Кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг қатъий иродаси тўғрисидаги сиёсий мулоқот ва ишонч руҳи мустаҳкамланиб, барча жабҳада кўплаб масалалар ҳал этилди, самарали саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш учун зарур шароитлар яратилди.

Ўзбек ва қирғиз азалдан аҳилликда яшаб келган, дини бир, тили яқин халқлардир. Тарихимиз — умумий, маданий қадриятларимиз — муштарак, анъана ва урф-одатларимиз — ўхшаш. Машҳур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, "Халқларимизнинг қони бир, тили бир". Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Қирғизистон асосий йўналиш сифатида устуворлик касб этади. Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг олий даражадаги учрашувлари бирмунча олдин совуқлашган муносабатларга илиқлик бахш этди. Давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги сунъий тўсиқларни бартараф этди, чинакам борди-келди тикланди. 2023 йилнинг январь ойида имзоланган Кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига умумий ёндашушни мустаҳкамлаштирди, муносабатларни янги боқимчилик олиб чиқди, чегара муаммосига нўқта қўйди.

Қирғизистон бизнинг муҳим стратегик ҳамкоримиз, энг яқин қўшимиз ва вақт билан сигналдан дўстимиздир. Томонлар охириги уч йилда ўзаро муносабатларни мутлақо янги даражага олиб чиқишга эришди. Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасининг дели-



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАЙСИ ХУДУДИДА ЭНГ Кўп ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА?

2024 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра мамлакатимизда 42,8 мингта оилавий корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг худудлар кесимидаги сони қуйидагича:







